

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН
Ҳ У К М

2024 йил июнь ойининг 13 куни жиноят ишлари бўйича Фарғона шаҳар суди, ўз биносида, очиқ суд мажлисида, раислик қилувчи шаҳар судининг судьяси А.Акрамов, Ш.Тоҳировнинг котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси Фарғона шаҳар прокурори ёрдамчиси Ж.Отажонов, судланувчи Ж.Шокиров, унинг ҳимоячиси, “Adolat Ko’zguşi” адвокатлик бюроси адвокати И.Раҳмоновнинг иштирокида, Ўзбекистон Республикаси ЖК 131-моддасининг 1-қисми билан Шокиров Жавоҳир Муроджон ўғлини айблаш ҳақидаги 1-1501-2405/1052-сонли жиноят ишини кўриб чиқди.

Иш ҳужжатларига кўра:



Суд, судланувчининг кўрсатувларини эшитиб, томонларнинг музокара нутқини, судланувчининг музокара ва охириги сўзларини тинглаб, жиноят иши материалларини ҳар томонлама, тўла ва холисона текшириб чиқиб, қуйидагиларни

а н и қ л а д и :

Судланувчи Ж.Шокиров 2024 йил 23 апрель куни Фарғона вилояти ИИБ ЖКБ ходимлари томонидан ўтказилган тезкор-тадбир давомида Фарғона шаҳар, С.Темур кўчаси, 46-уй 42-хонадонда 300.000 сўм эвазига махсус иштирокчиларга жинсий алоқа қилишлари учун шароит яратиб берган вақтда ушланиб, ундан 300.000 сўм миқдоридаги пуллар холислар иштирокида ашёвий далил тариқасида олинган.

Суд мажлисида судланувчи Ж.Шокиров айбига тўлиқ иқрор бўлиб, 2024 йил 23 апрель куни ўзига нотаниш бўлган шахс билан телефон орқали гаплашгани, у бир таниши билан жинсий алоқа қилиб олиш учун бир икки соатга уй кераклигини айтганида, унга уй топиб беришини, 300.000 сўм бўлишини айтгани, сўнг ижара асосида яшаб келаётган хонадони Фарғона шаҳар, С.Темур кўчаси, 46-уй 42-хонадонга бир номаълум йигит ва қиз келгани, уларга ажратилган хонани кўрсатгани, ундан 300.000 сўм пул олгани, шунда ИИБ ходимлари келишгани ва тадбир ўтказилганини эълон қилишгани, пуллар холислар иштирокида далилий ашё сифатида олингани, ҳозирда қилган ишидан қаттиқ пушаймонлигини билдириб, енгиллик беришни сўради.

Судланувчи Ж.Шокировнинг содир этган жинояти, унинг ўз айбига тўлиқ иқрор бўлиб берган кўрсатувидан ташқари, гувоҳларни дастлабки терговдаги кўрсатувлари, жиноят иши ҳужжатларидаги пулларга кимёвий ишлов бериш, аризачига бериш, мазкур тадбирни ўтказиш, ашёвий далилларни олиш,



пулларни қайтариб олиш ҳақидаги баённомалар ва иловалари, бир дона диск, сўроқ баённомалари ҳамда ишда тўпланган бошқа объектив далиллар билан ҳам тўлиқ тасдиқланди.

Суд, судланувчи Ж.Шокировнинг жиноий ҳаракатларини юридик квалификациясини муҳокама қилиб, қуйидаги хулосага келади.

Дастлабки тергов органи томонидан Ж.Шокировнинг жиноий ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси ЖК 131-моддасининг 1-қисми билан тўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.

Иш ҳужжатлари ва судда аниқланган ҳолатларга кўра, судланувчи Ж.Шокиров 2024 йил 23 апрель куни ғаразли ва бошқа паст ниятларда яшаш хонадонида махсус тадбир иштирокчиларига жинсий алоқа қилишлари учун шароит яратиб бериб, қўшмачилик қилиб, бунинг эвазига улардан кимёвий ишлов берилган 300.000 сўм миқдоридagi пулларни олган вақтда ушланган.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20-моддасида давлат органлари томонидан инсонга нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқий таъсир чоралари мутаносиблик принципига асосланиши ва қонунларда назарда тутилган мақсадларга эришиш учун етарли бўлиши керак деб белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги Қарорининг 1-бандида, судларнинг эътибори жиноят учун жазо тайинлашда қонунийлик, инсонпарварлик, одиллик ва жавобгарликнинг муқаррарлиги принципларига қатъий амал қилишга қаратишлари лозимлиги, 3-бандида, Жиноят кодексининг 8, 54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши – ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилики даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши кераклиги ҳақида тушунтиришлар берилган.

Суд, юқоридаги Пленум қарори талабларига риоя қилиб, Ж.Шокировга нисбатан жазо тайинлашда, жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар аниқланмагани, жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар сифатида эса унинг шахси, ёши, муқаддам судланмагани, оилавий шароити, айбига тўлиқ иқроор ва қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини инобатга олиб, унга нисбатан модда санкцияси назарда тутилган жарима жазоси тайинлашни лозим топди.

Бундан ташқари, суд, Ўзбекистон Республикаси ЖПК 211-моддасига асосан ашёвий далиллар масаласини муҳокама қилиб, иш юзасидан ашёвий далил деб эътироф этилган 300.000 сўм пуллар қонуний эгасига қайтарилган сабабли муҳокамадан чиқаришни ҳамда тадбир жараёни видеотасвири туширилган бир дона дискни жиноят ишида сақлашни белгилашни лозим топади.

Юқоридагиларга кўра ҳамда Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 454-457, 460, 463, 465-468, 471-473, 476-моддаларига амал қилиб, суд

ҳ у к м қ и л д и

Судланувчи Шокиров Жавоҳир Муроджон ўғли Ўзбекистон Республикаси ЖК 131-моддасининг 1-қисми билан айбди деб топилсин.



Ж.Шокировга Ўзбекистон Республикаси ЖК 131-моддасининг 1-қисми билан базавий ҳисоблаш миқдорининг 25 баравари миқдорида 8.500.000 (саккиз миллион беш юз минг) сўм жарима жазоси тайинлансин.

Жарима давлат фойдасига ундирилсин.

Ж.Шокировга нисбатан қўлланилган муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақида тилхат эҳтиёт чораси ҳукм қонуний кучга киргандан сўнг бекор қилинсин.

Иш юзасидан ашёвий далил деб эътироф этилган 300.000 сўм пуллар қонуний эгасига қайтарилгани инобатга олинсин, бир дона диск жиноят ишида сақлансин.

Ҳукмдан норози тараф ҳукм эълон қилингандан, судланувчи ҳукм нусхасини олган кундан бошлаб ўн сутка ичида шу суд орқали Фарғона вилоят судига апелляция тартибида, ҳукм қонуний кучга киргандан сўнг кассация тартибида шикоят бериш ва протест билдиришга ҳақли.

Раислик қилувчи

А.Акрамов

